

БЛЕЗ ПАСКАЛЬ
ХОСЕ ОРТЕГА ДЕ ГАССЕТ
ЭРИХ ФРОММ

СЕВГИ САНЪАТИ



БЛЕЗ ПАСКАЛЬ
ХОСЕ ОРТЕГА ДЕ ГАССЕТ
ЭРИХ ФРОММ

СЕВГИ САНЪАТИ

РИСОЛАЛАР



ТОШКЕНТ
«О'ЗБЕКISTON»
2011

УДК: 821
ББК 88.37
С38

Рус тилидан Абдуҳамид ПАРДАЕВ таржималари

Севги санъати: Файласуфлар муҳаббат ҳақида / рус
С38 тилидан А. Пардаев тарж. — Т.: «O'zbekiston», 2011.
— 248 б.

И. Пардаев, А., тарж.

ISBN 978-9943-01-699-6

«Севги санъати» тўплами таниқли файласуфларнинг муҳаббат ҳақидаги рисолаларидан ташкил топган. Ундан Блез Паскалнинг «Муҳаббатга оид мулоҳазалар», Хосе Ортега де Гассетнинг «Севги сехри», Эрих Фроммнинг «Севги санъати» асарлари жузъий қисқартиришлар билан ўрин олган. Тўпламни мутолаа қилиш жараёнида китобхон инсонга хос энг қудратли туйғунинг юксак ақл ва тафаккур ёндашувлари асосида қилинган чуқур илмий-фалсафий таҳлили, таснифи ва талқини билан танишади. Тўпламда рисолалар муаллифларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳам мухтасар маълумотлар берилган.

УДК: 821
ББК 88.37

МУҲАББАТ МАСЪУЛИЯТИ

Инсониятни азал-азалдан безовта қилиб келаётган туйғулар орасида ишқ-муҳаббат ҳиссиёти алоҳида ўрин тутди. Бу туйғуни бошдан кечирмаган, унинг қайноқ қўйнида тотли изтироблар чекмаган, ошиқона умидворлик билан кунларни тунларга, тунларни кунларга уламаган инсон камдан кам топилади. Бинобарин, инсон бешикдан қабргача илм излаши фарз ва қарз бўлгани сингари умрбод меҳр-муҳаббатга ташна яшайди. Беназир ақлу тафаккур билан бирга меҳру оқибат, раҳму шафқат, бағрикенглик каби хислатар воситасида ҳар бир инсон коинот гултожи даражасига юксалиши шубҳасиз. Муқаддас китобларда ҳаёт ибтидоси мўъжизакор калом экани уқтирилади. Башарият, қолаверса дунёнинг ҳам тамал тошларидан бири меҳр-муҳаббат ҳисобланишини таъкидлаш ҳожати бўлмаса керак. “Фарҳорд ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Ромео ва Жульетта” сингари жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари бевосита айна афсунгар туйғуга бағишлангани бежиз эмас, албатта.

Ҳаво ва сув сингари ҳаёт гарови ҳисобланувчи мазкур нозик туйғунинг масъулияти ҳам беқиёс даражада катта. Айна шу боис жаҳоншумул даҳо ижодкорлар билан бир қаторда Афлотину Арастудан тортиб барча файласуфлар ишқ-муҳаббат муаммолари таҳлилига жиддий ёндошган. Мазкур тўпладан жой олган фалсафий рисоалар ҳам юзаки ишқий можароларга эмас, балки инсон, бинобарин жамият ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга молик севги санъатининг сир-асрорларини илмий-фалсафий нуқтаи назардан атрофлича таҳлил қилишга бағишлангани билан диққатга сазовор.

Инсоният пайдо бўлибдики, ўзлигини англаш муаммолари устида бош қотиради, феъл-атворидаги нуқсонлардан ҳоли бўлишга, имкон борича комилликка интилади. Бу борада муҳаббат сир-асрорларидан воқиф бўлиш алоҳида аҳамиятга эга.

Француз файласуфи Блез Паскалнинг айти сир-асрорлар таҳлилига бағишланган мулоҳазалари фалсафий теранлиги билан ажралиб туради. Б. Паскалнинг ёзишича, инсон “қалбида муҳаббат билан туғилади”, бинобарин “муҳаббат учун дунёга келади”. Қолаверса, “инсон ҳузур, фароғат учун яралган”. Фароғат, бахт-саодат манбаи эса инсон туйғу-кечинмаларининг сарвари – ишқ- муҳаббат ҳисобланади. Файласуф эътирофича, “Муҳаббат одамларни олийжаноб, бағри кенг, хотамтой қилади. Хасис кимса ҳам хотамтойга айланиб, аввалги одатини ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди”.

Б.Паскалнинг “Муҳаббатга оид мулоҳазалар”и “Инсон тафаккур учун яралган” ҳикмати билан бошлангани бежиз эмас. Унинг фикрига кўра, одамзот фаолиятининг барча соҳаларида, жумладан муҳаббат борасида ҳам тафаккур раҳнамо вазифасини ўташи шарт:

“Муҳаббат ақлга ақл кўшади ва айти пайтда ақл-тафаккурга таянади. Муҳаббатни ақл-идрокдан айрича тасаввур қилишга беҳуда уринадилар. Уларни зидлаштириш учун асос йўқ, чунки ақл-идрок ва меҳр-муҳаббат айти бир, яхлит хусусиятга эга”.

Испан файласуфи Хосе Ортега-и-Гассет “Севги сеҳри” рисоласида муҳаббат масалаларини психолог ва ахлоқшунос сифатида таҳлил қилади. Файласуф фикрларини баён қилиш асносида таниқли француз адиби Стендалнинг муҳаббатга оид мулоҳазаларини тафтишдан ўтказди. Стендаль “Муҳаббат ҳақида” рисоласида мазкур нозик ва мураккаб туйғунинг “қристалланиши”, яъни ошиқнинг маъшуқага нисбатан туйғулари хаёлий хоссалар, таъбир жоиз бўлса, зарҳалланиши, камалакдай ранг-баранглик касб этиши ғоясини илгари сурган.

Хосе Ортега эса муҳаббатни теран тушуниш лозимлигини таъкидлаб, ошиқ ўзга инсон сиймосида гўё кашф этган юксак баркамолликка интилишига эътиборни жалб этади. Инстинктив, жисмоний мойиллик муҳаббат кечинмасида ғоят юксак, руҳоний, ҳатто маънавий-маърифий ниятлар билан уйғунлашади. Айни шу боис муҳаббатни фидойилик, сафарбарлик, азбаройи тақводорликка менгзайдилар. Ботинан Парвардигори олам билан пайваста эътиқоди мустаҳкам тақводор сингари ошиқнинг бутун диққат-эътиборини маъшуқа оҳанрабодай жалб этади. Муҳаббат афсунига гирифтор ошиқ бутун инон-ихтиёрини мазкур кечинма ихтиёрига топширади.

Б. Паскалдан фарқли равишда Хосе Ортега муҳаббат тафаккур-идрокка бўйсунмайди, деган фикрни илгари суради. Файласуф эътирофича, инсон ирода эркинлигига эга эмас; дунёга келиши асносида фитратининг тубсиз теранликларида шаклланган ғояларни тайёр холида қабул қилади. Ғайриихтиёрий хусусиятга эга қалб кечинмалари инсоннинг пинҳоний, асил кифасини намоён этади. Муҳаббат билан боғлиқ танлов тафаккур теранликларидаги ундов воситасида рўй беради. Бинобарин, пинҳоний инсон моҳиятининг мезони ва воситаси ҳисобланади. Хосе Ортега фикрича, ҳар бир авлод ва ирқ вакиллари муайян эркаклар ва аёллар зирвасини афзал биледи. Шу асно ўрта бўғинга мансуб шахслар ҳаётнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланади – миллатнинг рисоладагидек ҳаёти айни шу тоифага боғлиқ; буюк шахсларнинг вазифаси эса омманинг куч-қудратини юксак ғоялар сари йўналтиришдан иборат. Башарият тарихи, умуман, - “ботиний фожиалар силсиласи бўлиб, айни қалблар ичра кечади”. Бу борада, муҳаббат танлови, Ч.Дарвин таъкидлагандек “жинсий сарафлаш” эмас, балки шахс ботиниятидан юксалувчи муқаддас ғоялар тақозоси ҳисобланади.

Хосе Ортеганинг фикрига кўра, севги дардига мубтало бўлиши асносида ошиқнинг дунёқараши ишқи тушган сиймо

даражасигача тораяди, яъни ғариблашади. Ошиқ учун махбуба бутун дунё тимсолига айланади. Файласуфнинг муҳаббатга “севимли ёр оханрабоси”, “қалб гавҳари”, маъшуқа билан боғлиқ “фикр-мулоҳазаларнинг айна узлуксизлиги, барқарорлиги”, ошуфта наздида “муқаддаслашган кечинмалар чашмаси” тарзида ўзи хос таъриф бериши китобхон диққат-этиборини жалб қилиши шубҳасиз. У айна фикрларни умумлаштириб, шундай хулоса чиқаради: “Муҳаббат – буюк санъат асари, жисм ва жон уйғунлигининг сир-синоати”.

Хосе Ортега фикрича, муҳаббатга мубталолик ҳайрат натижаси бўлгани ҳолда баркамолликка талпиниш ҳисобланади, чунки ошиқни “фақат баркамол ёки шундай туюлган сиймогина ҳайратлантира олади”.

Б. Паскалнинг: “Севги-муҳаббат - санъат, санъаткорлик, ижодкорликни тақозо этади”, деган мулоҳазаларини файласуф Эрих Фромм “Севги санъати” рисоласида илмий-фалсафий нуқтаи назардан батафсил шарҳлайди. “Муҳаббат ҳақидаги суҳбат – шунчаки ваъзхонлик эмас. Бинобарин, бу ҳар бир инсонга хос олий ва ҳаётий эҳтиёж тўғрисидаги баҳс” ва “Муҳаббат – етуклик мақомидан қатъи назар бир бир инсон мубтало бўладиган туйғу” эканини исботлайди. Бу борада ўзига хос муҳаббат назариясини яратади ва амалиётини чуқур таҳлил қилади. Оналик муҳаббати, оталик муҳаббати, биродарона самимий муносабатлар сингари муҳаббат турларини тавсифлайди. Мазкур рисола ни ўқиш ва уқиш асносида муҳаббат ҳақиқатдан ҳам барча санъатлар сингари муайян теран билим ва амалий кўникмалар талаб қилишига ишонч ҳосил қиласиз. Муҳаббат санъатидан бехарбарлик оқибатида аксарият оилавий низолар келиб чиқишига гувоҳ бўласиз. Муҳаббат муайян шахснинг кўнгил иши бўлгани ҳолда, ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёс экани, хусусан самимий муҳаббат асосига қурилган ҳар бир оила ўз навбатида жамият негизи ҳисобланиши мазкур рисола ни ўқиш асносида беихтиёр ҳаёлдан кечади.

Э.Фромм муҳаббат муаммосини таҳлил қилиш асносида ошиқ ва маъшуканинг ўзаро муносабатлари доираси билан чекланиб қолмасдан, мазкур масалани ижтимоий кенг нуқтаи назардан кўздан кечиради. Нафақат оиланинг, балки бани башарни бир тану бир жон бўлишида муҳаббат билан йўғрилган самимий ўзаро муносабатлар ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканини алоҳида таъкидлайди.

У муҳаббатга оид мулоҳазаларини исботлашда қатор файласуфлар қатори Мавлоно Жалолиддин Румий бадиий меросидан ҳам мисол келтиргани алоҳида аҳамиятга эга. Жамият билан қисмати пайваста ҳар бир инсон нафақат муҳаббат борасида, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаол бўлиши зарурлигини Эрих Фромм алоҳида таъкидлади:

“Муҳаббат борасида самарали ҳаёт кечирган ҳолда ҳаётнинг бошқа соҳаларида хўжақўрсинга иш тутса ҳам бўлаверади, деган ақидага ишониш – хомхаёл. Фаол турмуш тарзи бундай меҳнат “таксимоти”га йўл қўймайди. Муҳаббат қобилияти куч-қувват, хушёр бедорлик, юксак ҳаётийликни талаб этади, булар фақат шахснинг кўплаб ҳаётий соҳаларда самарали ва фаол иш юритиши натижасидагина юзага келади. Инсон, башарти, ҳаётнинг бошқа соҳаларида фаол бўлмаса, муҳаббат бобида ҳам кўзлаган мақсадига ета олмайди”.

Одамзот ҳаётнинг турли соҳаларидаги ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилгани ҳолда муҳаббати, яъни қисмати билан бевосита боғлиқ муаммолар устида етарлича мулоҳаза юритмаслигидан файласуф жиддий ташвишланади. Баркамол муҳаббат туйғуси қарор топиши учун жамият ҳам, ижтимоий муносабатлар ҳам, инсон ҳам баркамол бўлиши керак, деган хулосага келади. Сармоя ҳукмронлик қилган XX аср Ғарб капиталистик жамиятида самимийлик, инсонпарвалик, ғамхўрлик сингари қадриятлар қатори чинакам муҳаббатга ҳам деярли ўрин бўлмаганидан афсусланади.

Нафақат муҳаббат кечинмаларига, айна пайтда муҳим ижтимоий муносабатлар таҳлилига бағишлангани боис Эрих Фромминг “Севги санъати” рисоласини ўзига хос ҳаётий дастур сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Бинобарин, муҳаббат бобида бахтли ҳаёт кечиришни истайдиган ҳар бир инсон, аввало, ўзлигини теран англаши, муҳаббат масъулиятини жиддий ҳис қилиши, ҳар жиҳатдан баркамол шахс бўлиши керак, деган хулоса мазкур рисоланинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак”¹лигини алоҳида таъкидлайди. Бу борада ҳар бир инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга молик муҳаббат масаласига бағишланган мазкур теран илмий-фалсафий рисоалар алоҳида аҳамият касб этиши, инсонни англаш, тушуниш баробарида маънавиятимиз юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдухамид ПАРДАЕВ.

¹ И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Маънавият” нашриёти, Т., 2008 йил, 29-бет.

МУҲАББАТГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

Инсон тафаккур учун яралган. У узлуксиз, ҳар лаҳза-сония тафаккур юритади, мулоҳаза қилади. Бироқ бахтиёр қила оладиган бокира фикр-мулоҳазалар билан ҳаёли ҳамиша банд бўлса, толиқади ва ҳолдан тояди. Инсон якранг турмуш тарзига мослашмаган, унга хатти-ҳаракат ва фаолият зарур. Бошқача айтганда, хотиржамлигини эҳтирослар туғени ўқтин-ўқтин безовта қилиши зарур. Уларни жўшқин ва теран эҳтирослар манбаи - қалбидан топади.

Муҳаббат ва иззатталаблик - бошқа кўплаб ҳис-туйғулар тажассуми ҳисобланувчи икки асосий инсоний ҳис-туйғу. Бу туйғулар хилма-хил эканидан қатъи назар кўпчиликнинг эътирофича, уларни боғловчи хоссалар мавжуд. Аслида эса, улар, аксинча, ўзаро кушанда, ёв бўлмаган тақдирда ҳам бир-бирини заифлаштиради.

Қанчалар теран, қамровдор ақл-идрок, тафаккурга эга бўлмайлик, фақат ягона кучли туйғуни ҳис эта оламиз. Шу боис ҳам муҳаббат, ҳам иззатталаблик дардига мубтало эканмиз, бу туйғу-хислатларнинг ҳар бири куч-қудратининг атиги ярмини намоён этади, башарти бири иккинчисига монелик қилмаганда, дейлик, улардан биттасининг қудрати тўлалигича намоён бўларди.

Бу икки туйғунинг юзага келиши ҳам, сўниши ҳам ёшга боғлиқ эмас. Улар ҳаётнинг дастлабки лаҳзаларидаёқ пайдо бўлиб, инсон қалбига умрбод ҳамроҳлик қилади. Бироқ оташталаб бўлгани учун одамлар навқиронлик йилларида уларга кўпроқ мойил бўладилар ва шу боис умр ўтгани сайин туйғулар ўтмаслашиб борадигандай таассурот пайдо бўлади, ҳолбуки бу камдан-кам рўй беради.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3809> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3809> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3809>